кутубхонаси
тадқиқотлар институти

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 23-mart • Payshanba • 35 (27.527) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

## ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг кун тартибидан қатор муҳим масалалар ўрин олди.

Қонунчилик палатаси ялпи мажлисларида «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ва иккинчи ўқишларда маъқулланган эди. Энди учинчи ўқишда ушбу лойиҳа депутатлар томонидан муҳокама қилинади. Шу муносабат билан фракция аъзолари ушбу лойиҳа юзасидан яна бир бор фикрлашиб олдилар.

Биринчи ўқишда киритилаётган «Телерадиоэшиттириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам депутатларнинг қизғин мунозараларига сабаб бўлди. Лойиҳа бўйича Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Фахриддин Ражабов маъруза қилди. Унинг фикрича, қонуннинг номи қисқартириб берилган. «Телевизион кўрсатув ва радиоэшиттириш тўғрисида» деб берилганида маъқул бўлар эди. Лойиҳада қонуннинг мақсади тўлиқ очиб берилмаган. Булардан ташқари, яна баъзи камчиликлар, тўлдирилиши керак бўлган жиҳатлар бор. Депутатлар Мажидхон Усмонов, Анвар Бойқулов, Абдуманноб Раҳимовлар ҳам ўз мулоҳазаларини билдирганларидан сўнг фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллаб, иккинчи ўқишда таклифларини киритишга келишиб олдилар.

Маълумки, шу йилнинг 5 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони чиққан эди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатга асосан яратилган имтиёзлар ва киритилган қоидалар айрим қонун ҳужжатларига тегишли қўшимчалар киритишни талаб этади. Шундан келиб чиқиб, биринчи ўқишда тақдим этилаётган «Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ва Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам фракция аъзолари томонидан муҳокама қилинди. Ушбу қонун лойиҳаси ҳақида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Анвар Шукуров ахборот берди. Депутат шунингдек, юқоридаги Фармон асосида Меҳнат кодексига ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозимлигини таъкидлади.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига қўшимча киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 71-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари Қонунчилик палатасига киритилган. Бу ҳақда депутатлар Қаҳҳор Ибрагимов ва Улуғбек Вафоевлар батафсил тўхталдилар.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси фракция муҳокамасига киритилди. Лойиҳада мамлакатимизда никоҳ ёши аёллар учун энди ўн саккиз ёш деб белгиланиши назарда тутилган. Ушбу масала юзасидан Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Илҳом Аҳмедов маъруза қилди. Депутат Муҳаббат Абдуллаева ўз фикрларини билдирди.

Ўзбекистон Республикасининг Белгиларни Халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимига доир Баённомага (Мадрид, 1989 йил 27 июнь) қўшилиши ҳақида (биринчи ўқиш), Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимини (Мадрид, 1981 йил 14 апрель) денонсация қилиш ҳақидаги (биринчи ўқиш) масалалар ҳам депутатлар эътиборига ҳавола этилди. Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси Зохилло Мунавваров, Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси бош директорининг биринчи ўринбосари Валентина Ермалаева шу ҳақда маълумот берди. Уларнинг таъкидлашларича, тегишли Баённомага қўшилиб, Битимдан чиқиш мамлакатимиз учун ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан манфаатлидир.

Йиғилишда фракция ваколатларига тегишли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Улар юзасидан фракциянинг позицияси белгилаб олинди.





## ТОШКЕНТДА РОССИЯ БОҒИ

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда юксак даражада ривожланиб бораяпти. Зеро, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик алоқалари халқларимиз манфаатларига мос келади. Икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувлари, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Россия ҳамкорликни ўзаро манфаатдорлик асосида ривожлантириб бораётганидан далолатдир.

Наврўз байрами шукуҳи мамлакатимиз узра кезаётган бир паллада пойтахтимизнинг қоқ марказида, «Мовий гумбазлар» ёнида Россия боғига асос солингани ҳам бежиз эмас. Ушбу боғ жаҳондаги турли мамлакатлар бой ўсимликларини ўзида мужассамлаштирувчи «Дунё боғлари» туркумини бошлаб берди.

Бу боғни яратиш тўғрисидаги қарор шаҳарни ободонлаштириш жамоатчилик иштироки штаби томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги қўллаб-қувватловида қабул қилинди. Кенг кўламли табиий мажмуани рўёбга чиқариш учун халқаро бирлашув рамзини англатувчи «Анор» номли халқаро ташкилий қўмита тузилди.

**Рустам ШАГАЕВ (ЎзА) олган суратлар**

## НАВРЎЗ БАЙРАМИ МУБОРАК!

***Қадрли Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари, унинг тарафдорлари ва республикамизнинг барча фуқаролари! Сизларни юртимизга кириб келган умумхалқ Наврўз байрами билан самимий табриклаймиз!***

***Ҳаммага мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат, мустақил Ватанимиз гуллаб-яшнаши йўлидаги меҳнат ва жамоатчилик фаолиятларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз!***

**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси**

## ЎЗБЕК ВА ҚОЗОҚ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ

### узоқ асрларга бориб тақалади. Бу икки халқ нафақат қон-қардош, балки яхши ва ёмон кунларда бир-бирига суянчиқ бўлган оға-инилардир

Тан олиш керак, бу икки миллат бир-бири билан азалдан қуда-анда бўлган, бир ариқдан сув ичган. Айниқса, мустақилликдан сўнг икки халқ ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар ривожланиб, борди-келди, қўшничилик муносабатлари яхши йўлга қўйилди. Турли соҳаларда манфаатли ҳамкорлик ривож топди. Икки давлат раҳбарларининг бир неча марта олий даражадаги учрашув ва ташрифлари бўлиб ўтди. 1998 йилда Абадий дўстлик тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши эса икки халқнинг қардошлиги, дўстлиги абадийлигини исботлади.

Мамлакатимизда баҳор нафаси кезиб юрган Наврўз кунларида Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг янги сайловдан кейин Президент сифатидаги илк давлат ташрифини мамлакатимиздан бошлаши унинг Ўзбекистонга, халқимизга ва давлатимиз раҳбарига юксак ишончи, ҳурмат-эҳтироми белгисидир.

Мен ушбу ташрифни, икки давлат раҳбарларининг учрашувини телевидение орқали кузатдим. Уларда ҳар иккала қўшни давлатга тегишли бир неча масалалар муҳокама этилди, икки ўртада тарихий ҳужжатлар имзоланди. Уларда асосий эътибор ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, ишбилармонлар ҳамда маъмурий-ҳудудий субъектларнинг бевосита алоқаларини кенгайтириш, божхона ва чегарадан ўтиш тартибларини енгиллаштириш, транспорт коммуникациялари ва сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва етказиб беришга оид масалаларга қаратилди.

Мазкур музокараларда ижтимоий соҳадаги ҳамкорликка ҳам алоҳида эътибор берилди. Илм-фан, маданият ва санъат намояндаларининг ўзаро борди-келдисини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, оммавий ахборот воситалари тузилмаларининг алоқаларини фаоллаштириш юзасидан фикр алмашилди. Президентлар зиёлиларимиз мунтазам учрашувлар ўтказиб туриши, журналистлар эса ўзаро ҳамкорликнинг ёрқин қирраларини ёритиб бориши зарурлигини алоҳида қайд этдилар.

Шу ўринда Ўзбекистонда қозоқ миллатига кўрсатилаётган эътибор, ғамхўрлик ҳақида ҳам қисқача тўхталсам. Бугун мамлакатимизда бир миллионга яқин қозоқлар яшайди. Масалан, Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва Навоий вилоятларининг кўпгина туманлари туб аҳолисини қозоқлар ташкил қилади. Қозоқларнинг урф-одати, ҳаёт тарзи ўзбекларникидан фарқ қилмайди. Бир-бири билан қуда-анда бўлиб, тўй-маъракалари ҳам ўзаро бирлашиб кетган. Чунки барчаси шу заминнинг фарзандлари. Масалан, мен 1964 йилда Янгийўл туманида қозоқ оиласида туғилганман. Қозоқча мактабда ўқидим. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида олий маълумот олдим, бугунги кунда шу ерда талабаларга сабоқ бераяпман.

Ўзбекистонда барча миллатлар каби қозоқ ёшлари таълим-тарбиясига ҳам катта эътибор кўрсатилади. Ҳозир республикада таълим қозоқ тилида олиб бориладиган бир қанча мактаблар фаолият кўрсатмоқда. Уларни дарсликлар билан таъминлаш, моддий-техника базасини яхшилаш ҳам кўнгилдагидек. Бугунги кунда Низомий номидаги ТДПУ, Гулистон ва Қорақалпоғистон давлат университетлари, Тошкент вилоят, Навоий, Нукус давлат педагогика институтларида қозоқ тили ва адабиёти бўйича бакалаврлар тайёрланмоқда. Бизга кўрсатилаётган бундай имконият ва эътибор ўзбекларнинг бошқа миллатларга бефарқ эмаслиги, бағрикенг халқ эканлигини яққол кўрсатади.

Бугун мамлакат ҳаётининг барча жабҳасида қозоқлар турли касб, турли лавозимларда фаолият кўрсатмоқда. Ўзининг фидойи меҳнатлари билан эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган Ўзбекистон Қаҳрамонлари — Серикбой Сагатов, Ағитай Адилов ҳамда бошқа яна юзлаб қозоқ миллатига мансуб кишилар давлатимизнинг унвон, орден ва медаллари билан тақдирлангани ўзбек ва қозоқ халқининг аҳиллиги, бирдамлиги, энг муҳими тотувлигининг ёрқин ифодасидир.

Мен шу юртда яшаб, биронбир миллат камситилгани, хўрлангани ёки миллатлар ўртасида низо чиққанини эслолмайман. Айрим хориж давлатлари ҳаётида иркий, диний камситиш, сиқувга олиш ҳоллари, ҳатто бир миллатнинг иккига ажралиб жанжал-тўполон кўтарганини ҳам кузатиш мумкин. Аммо бизнинг Ватанимиз бундай воқеалардан йироқ, мамлакатимиз эса ривожланиш сари дадил юз тутмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Қозоғистон Президентининг ушбу ташрифи ҳар икки томон учун ҳам фойдали, кўпдан кутилган воқеа бўлди. Зеро, Нурсултон Назарбоев таъкидлаганларидек, қозоқни ўзбекдан, ўзбекни қозоқдан ажратиб бўлмайди.

**Ергаш АБДУВАЛИТОВ,**
**Низомий номидаги ТДПУ қозоқ филологияси кафедраси мудири, доцент**

Муносабат

## КЎНГИЛДАГИ ТУЙҒУЛАР

**Юртимизда азалий ва ардоқли байрамимиз Наврўзи олам ҳар йилгидан-да ўзгача кайфиятда, янгича сурур ва шодиёналар билан қарши олинди. Она-диёримизнинг ҳар бир гўшасида ушбу айём баҳорий гўзаллик, яшариш ва яшнаш, меҳр-саховат байрами сифатида кенг нишонланмоқда. Биз пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз тантаналари иштирокчиларидан байрамдан олган таассуротлари, қолаверса кўнгилдаги эзгу тилаклари ҳақида сўрадик.**



**Холхўжа УМАРОВ, Сергели туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони:**

— Бу йил Мустақиллигимизнинг ўн беш йиллигини қаршилаётган бўлсак, Президентимиз қўлларидан «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини олганимга тўққиз йил бўлди. Шу вақт ичида олдин қандай ишлаган бўлсам, бундан буён ундан-да яхшироқ, кўпроқ ишлашим кераклиги кўп бор кўнглимдан ўтди.

Мана куни кеча халқимиз Наврўз байрамини кўтаринки руҳда кутиб олди. Аввало, бу йилги байрам шунақа ўтдики, у мен учун кутилмаган воқеаларга, таассуротларга бойлиги билан бир умрга ёдимда қолди. Мен ушбу тантанани муҳтарам Юртбошимиз билан ёнма-ён томоша қилдим. Ҳурматли Президентимиз байрамни ўзгача қувонч билан кузатдилар.

Агар пойтахтимизда 11 та туман бўлса, ҳар бирининг ўзига яраша қиёфаси бор. Мисол учун, бир оилада ўн битта фарзанд бўлса ўзига хос феъли, дунёқараши бўлади. Президентимиз байрамда айнан шунга эътибор бердиларки, уларнинг ҳар бир туманни, унда яшовчи инсонларни эътиборсиз қолдирмаганликлари мени лол қолдирди.

Байрам шодиёнаси ўтаётган кезда муҳтарам Юртбошимиз мен ва Тошкент шаҳри ҳокимига қараб: «Қани, иккалангиз ўзингизни кўрсатмайсизларми, байрам сизларникику», дедилар. Мен ўзим зўрға ўтиргандим, сабаби тўйда ўтирган одам ўйин-кулги, хурсандчилик қилиши керак. Шу гапдан сўнг суюниб кетдик, ўзбекча қилиб айтганда, роса ўйнадик. Ҳали бирор байрам бунақа қувончли ўтганини, барча якдил бўлиб ўйин-кулги, хурсандчилик қилганини эслай олмайман.

Ўзим кўп йиллар қурувчилик соҳасида ишлаганман. Меҳнатни, ўйин-кулгини яхши кўраман. Биз нима учун ишлаймиз — тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик учун, ўйин-кулги ҳам шундай бўлиши керак.

Тўйларда кўп иштирок этганман, ўйнаганман. Лекин шу пайтгача бирор марта «Лазги»га ташламаган эдим. Президентимиз қўлимизни сиқиб: «Раҳмат сизларга», дедилар. Уларнинг бу гаплари кўнглимни тоғдай кўтариб юборди, хурсандчилигимизга хурсандчилик қўшди.

Ушбу тароватли кунларда ҳар бир байрамимиз шунақа ўтишини, ҳар йили Наврўз хонадонларга, бутун юртимизга чексиз шодиёналар олиб келишини тилайман. Ватанимиз йилдан-йилга чирой очиб бораверсин, байрамли элимизнинг файзли кунлари кўпаяверсин.

**Жасур МИРСАГАТОВ, халқаро танловлар совриндори:**

— Ростини айтсам, бу йилги байрамимиз олдингиларидан анча самимий руҳда ўтди. Аввало давлатимиз раҳбарининг табрикларидан ғоят қувондим ва яна тантананинг чинакам халқ сайлига айланганига гувоҳ бўлдим. Эътибор берган бўлсангиз, байрам томошалари бутун халққа бағишланди. Барчаси жонли бўлди. Ижронинг ранг-баранглиги, қардош халқлар куй-қўшиқ, рақслари, миллий ўйинларга томошабинлар рақсга тушиб, ҳатто кўпчилик қўшиққа ҳам жўр бўлишди. Бундан руҳланган санъаткорлар ҳам дилдан куйлаб, саҳнада эркин ҳаракат қилишди.

Тантанада мен «Баҳор қўшиғи»ни ижро этдим. Унга бутун борлиғимни, юрагимни қўшиб куйладим. Ўйлайманки, бу халқимизга ҳам манзур бўлди.



Мен учун энг эсда қоларли воқеа тантаналар сўнггида юз берди. Хонанда Гулсанам Мамазоитова якунловчи қўшиқни куйлаётганида муҳтарам Президентимиз ўринларидан туриб биз томонга келдилар. Санъаткорлар билан бир-бир кўришиб бағирларига босганларида, мени ўзгача ҳаяжон қуршаб олди.

Йўлбошчимиз ёнимга келганларида мен Наврўз билан қутладим, у киши эса қўлимни сиқиб: Овозинг жудаям яхши экан, ўғлим. Сен шу овозингни, истеъдодингни асрагин... дедилар. Бу эътибор ва эъзоздан бошим осмонга етди. Байрам олдидан бир ойлик тайёргарлик жараёнидаги чарчоғим ўша ондаёқ чиқиб кетди...

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ ёзиб олди.**

Анжуман

## СУВ — ҲАЁТ МАНБАИ

22 март — Жаҳон сув куни «Сув ва маданият» шиори остида нишонланди. Тошкент ирригация ва мелиорация институтида Экология ва саломатлик кунлари доирасида мазкур санага бағишланган учрашув бўлиб ўтди. У «Экосан» халқаро ташкилоти билан биргаликда ташкил этилди. Учрашувда Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмиталари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси вакиллари, олимлар, экологлар, институт ўқитувчи ва талабалари иштирок этди.

Маълумки, 2005 дан 2015 йилгача бўлган даврни БМТ Бош Ассамблеяси «Ҳаёт учун сув» шиори остида ҳаракатлар халқаро ўн йиллиги деб эълон қилди. Бугун дунёда 1,1 миллиард одам тоза сувдан фойдалана олмайди ва бу уларнинг саломатлигига салбий таъсир қилмоқда. Экспертларнинг фикрича, бу вазиятнинг ўзгариши ҳар йили 1,6 миллион инсон ҳаётини қутқариб қолиш имконини беради.

Учрашувда таъкидландики, сув муаммоси Марказий Осиёда ҳам жуда долзарб. Биринчи навбатда, бу ўтмишда сув ресурсларидан нотўғри фойдаланиш билан боғлиқ. Бугун Ўзбекистонда аҳолини, айниқса, қишлоқда яшаётганларни тоза ичимлик сув билан таъминлашни яхшилаш, сув ресурсларини бошқариш сифатини ошириш ва сувни тежашни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда ҳар йили ўртача 53 миллиард куб метр сув истеъмол қилинади, бу ҳажмнинг 92 фоизи қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Тармоқда 894 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ташкил этилган, бошқа соҳаларда ҳам бу каби тузилмалар фаолият кўрсатмоқда. Учрашувда уларнинг иши, биринчи навбатда, сув ресурсларини тежаш ва улардан оқилона фойдаланишга қаратилиши зарурлиги қайд этилди. Ҳозирги вақтда тахминан 4,3 миллион гектар ер майдони суғорилади. Суғориш тизимларининг модернизация қилиниши ва сувдан фойдаланишнинг энг юқори даражалари белгиланиши натижасида сувдан фойдаланиш қишлоқ хўжалигига зарар етказилмаган ҳолда 10 фоизга қисқарди.

Учрашувда аҳолининг ичимлик сувдан фойдаланиш маданиятини ошириш ҳам жуда муҳимлиги ҳақида гапирилди. Сўзга чиққанлар сув билан боғлиқ экологик муаммоларни ҳал этиш учун ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш билан бир қаторда, замонавий экологик дунёқарашни шакллантириш, ўзбек халқининг сувга ҳаёт манбаи сифатида қараши билан боғлиқ асрий анъаналарни тиклаш зарурлигини таъкидладилар.

**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири**

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI – MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

**ЎзХДП: жамоатчилик қабулхоналарида**

# ОДАМЛАР БИЗГА ИШОНМОҚДА

## буни йил бошидан бери ЎзХДП Ғаллаорол туман кенгаши қошидаги жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилганлар сони ортганлиги ҳам тасдиқлаяпти

Тумандаги ХДП аъзолари 62 та бошланғич партия ташкилотларига бирлашган. Туман кенгаши қошида фаолият кўрсатаётган жамоатчилик қабулхонасининг эшиги нафақат партия аъзолари, балки барча фуқаролар учун очиқ. Бу ерда партиямиздан сайланган туман ҳамда вилоят Кенгашлари депутатлари, фаолларимиз томонидан навбатчилик ташкил этилган. Ҳар куни қабулхонага ўнлаб кишилар ўзларини қийнаётган масалалар, ташвишга солаётган муаммолар бўйича мурожаат қилишаяпти.

«Анчадан бери бетобман. Дори-дармон, даволанишлар... дегандай. Фарзандларимни ҳам қийнаб қўйдим. Соғлигимни тиклаб олишимда мадад берсаларингиз» дея қабулхонага келди Кўкбулоқ қишлоғида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси, партиямиз аъзоси Абдуҳамид Ойнақулов.

«Ишсизман, ишлашни хоҳлайман. Шу масалада амалий ёрдамларингиз керак» мурожаат қилди туман марказидаги «Олимлар» маҳалласида истиқомат қилувчи Ҳикоят Усмонова.

«Аламли» маҳалласидан партия аъзоси Ҳазратқул Мамадиёровнинг фарзанди эса отасининг икки марта операция қилингани, шу кунларда у моддий ва маънавий кўмакка муҳтож эканлигини маълум қилди.

Ҳар учала ҳолат бўйича туман кенгаши, депутатлар, фаолларимиз томонидан қатъий, таъсирчан, амалий чора-тадбирлар кўрилди. Натижада Абдуҳамид Ойнақулов билан Ҳазратқул Мамадиёровларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Айни пайтда ҳар иккаласининг ҳам саломатликлари жойида, кайфиятлари яхши. Ҳикоят Усмонова «Матбуот тарқатувчи» масъулияти чекланган жамиятида ишлаяпти.

— Партияга, унинг жойлардаги жамоатчилик қабулхоналарига ишонса бўлади, — дейди у. — Ўзимдан қиёс: қабулхонага мурожаат қилиб, янгилишмаган эканман. Ишли бўлдим, ишим ўзимга ёқади.

Албатта, ҳаёт турфа хил муаммолардан, қийинчиликлардан ҳоли эмас. Одамлар уларга ҳар куни, ҳар қадамда дуч келишади. Жамоатчилик қабулхоналари ишини янада жонлантиришимиз, қийинчиликларга, муаммоларга рўбарў келган одам ёрдам сўраб бошқа жойларга эмас, айнан бизга келишига эришишимиз керак. Токи, у бизнинг ижтимоий муаммоларни ҳал этиш қўлимиздан келишига, тегишли ёрдам олишига ишонсин. Бунинг учун эса барча воситалардан фойдаланишимиз, ҳатто электоратимизнинг ҳаётий манфаатлари йўлида ҳокимликлар билан муносабатимизни «бузиб» қўйишдан чўчимаслигимиз лозим бўлади. Чунки, ҳар қандай сиёсий партиянинг обрўси, таъсирчанлиги унинг амалий ишлари билан ўлчанади.

**Бурхон ТЕМИРОВ,**
**ЎзХДП Ғаллаорол туман кенгаши раиси.**

**ЎзХДП: қайта рўйхатдан ўтказиш**

# САФЛАР ЖИПСЛИГИ — СОН ЭМАС СИФАТДА

Ўзбекистон Халқ Демократик партияси барча тизимларида бўлгани каби Навоий вилоят кенгашида ҳам партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш жараёни намунали бормоқда. Мавжуд 582 та бошланғич партия ташкилотига 25727 нафар аъзо уюшган бўлса, февраль ойида уларнинг 6 мингдан ортиғи қайта рўйхатдан ўтиб бўлди. Қайта рўйхатдан ўтиш ишлари Навоий, Зарафшон шаҳарларида ҳамда Хатирчи, Навбаҳор, Кармана туманларида якдиллик билан олиб борилаяпти.

— Таҳлиллар шуни кўрсатиб турибдики, гап фақат партия аъзосининг бор-йўқлигини аниқлаб, уни қоғозда қайта рўйхатдан ўтказиб қўйиш эмас, балки у билан суҳбатлашиш, унинг ишонч ва иродаси, партияга хайрихоҳлигини ўрганиш зарур, — дейди ХДП вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Улуғбек Мусаев.

— Қайта рўйхатдан ўтказиш жараёни бошланғич партия ташкилотларида интизом, бадаллар тушуми, ташаббус ва ташкилотчиликлар туғилишига ҳам амалий туртки бўлаяпти, — дейди ЎзХДП Навоий шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Лола Собирова.

— Мен Қизилтепа туман марказий касалхонасида оддий ҳамшира бўлиб ишлайман, — дея ўзини таништирди Инобат Ҳакимова. — ХДПга эътиқодим, ишончим баландлиги учун унга аъзо бўлиб кирдим.

— Мен Навоий тоғ-металлургия комбинатида чилангар-пайвандловчи бўлиб ишлайман, — дейди Асад Холиқов. — Қайта рўйхатдан ўтиш жараёни амалга оширилаётган бир пайтда ХДПни танладим ва унга аъзо бўлдим. Шунингдек, сафдошларим Маҳфуза Ҳамидовани ва Гулжаҳон Рахимқуловани ҳам аъзоликка даъват этдим.

Дарҳақиқат, ўз хоҳиш-иродаси билан ХДПни танлаётган, кўп. Шундай экан, қайта рўйхатдан ўтказишда у ёки бу сабаб билан айримларнинг сафимиздан тушиб қолиши йўқотиш эмас.

**Музаффар ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**ЎзХДП ҳаёти**

# ҲАМЖИҲАТЛИКДА ҲИКМАТ БОР

Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши, халқ таълими бошқармаси ва халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи ҳамкорлигида «Халқ таълимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришга оид бажарилган ишлар кўлами ва келгуси вазифалар» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Унда вилоятдаги барча шаҳар ва туман халқ таълими бўлими раҳбарлари, Ўзбекистон ХДП туман кенгашлари раислари, вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари иштирок этди. Тадбирдан кўзланган асосий мақсад халқ таълими раҳбар ва мутахассислари билан тизимда олиб борилаётган туб ўзгаришларни муҳокама этиш бўлди.

Давра суҳбатида вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Маҳмуд Бобоёров умуммиллий дастур асосида 2004-2005 йилларда тизимда олиб борилган ишлар юзасидан батафсил маълумот берди.

Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси Камолбой Исобеков халқ таълими тизимидаги ислоҳотлар таълим-тарбия, маънавий, маърифий ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, хусусан, партия ташкилотлари томонидан таълим-тарбия масканларига кўрсатилаётган амалий эътибор ҳақида фикр юритди.

Вилоят партия ташкилотлари томонидан таълим ходимлари меҳнатини ҳисобга олиш ва уларга ҳақ тўлаш, қолаверса тизимга янгича ёндашувларни татбиқ этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўла қўллаб-қувватланмоқда. Бу борадаги ҳукумат қарорларининг бажарилиши устидан партия фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатлар биринчи навбатда жамоатчилик назоратини олиб боришлари лозим.

Тадбирда соҳа вакиллари ҳамда ХДП фаоллари жойлардаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимини муҳокама этдилар. Камчиликларни ҳал этишда манфаатдор томонлар ҳаракатларини бирлаштириш ҳақида фикр ва таклифларини билдирдилар.

Давра суҳбати қатнашчилари Самарқанд шаҳридаги 13-мактаб педагогик жамоасининг ўқув-тарбиявий жараённи ислоҳ қилиш бўйича олиб бораётган ишлари билан яқиндан танишдилар.

**(Ўз мухбиримиз)**

## ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

**Хонқа туман кенгаши** Наврўз байрами муносабати билан қатор тадбирлар ўтказди. Жумладан, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими ҳамкорлигида 100 ёшдан ошган отахон ва онахонлар ҳолидан хабар олинди. «Хонқа дон маҳсулотлари» ОАЖ бошқаруви раиси, ХДП аъзоси К.Хўжамуродов ҳомийлигида фахрийларга байрам туҳфаси улашилди. Шунингдек, Хонқа шаҳарчасининг 4-маҳалласида ҳам Наврўз тантаналари нишонланиб, кам таъминланган, кўмакка муҳтож оилаларга байрам совғалари топширилди.

**Шовот туман кенгаши** ташаббуси билан туман марказий шифохонасида ўтказилган байрам тадбири доирасида «Балли, ҳамшира» беллашуви бўлиб ўтди. Ғолиблар туман партия кенгаши ҳамда шифохона томонидан таъсис этилган совғалар билан тақдирланди.

**Данғара туман кенгаши** туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими билан ҳамкорликда ёлғиз, меҳрга муҳтож кишилар учун байрам тадбири ташкил қилди.

**Зарафшон шаҳар кенгаши** томонидан маҳаллаларда истиқомат қилаётган бир гуруҳ кам таъминланган, кўп болали оилалар ва ногиронларга байрам дастурхони ташкил этилди. ХДП аъзоси бўлган бир нечта пенсионерларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

**Сергели туман кенгаши** 300-мактаб-лицей ва Сергели тиббиёт коллежида байрам тадбирларини уюштирди. Уларга ўқувчи ёшлар, маҳалла фаоллари ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар таклиф қилинди. Йиғилганларни туман партия кенгаши фаоллари табриклаб, жонкуяр партия аъзоларига Фахрий ёрлиқ топширдилар.

**Самарқанд вилоят кенгаши** Самарқанд шаҳридаги 2-поликлиника билан ҳамкорликда 9-меҳрибонлик уйида Наврўз шодиёнасини ташкил қилди. Иштирокчилар меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини табриклаб, уларга байрам совғаларини топширдилар. Худди шундай байрам тадбири Иштихон тумани Чажовул қишлоғидаги 2-мактабда ҳам бўлиб ўтди.

**Ўзбекистон ХДП МК**
**матбуот хизмати**

# БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



## БАҒРИКЕНГЛИК, МЕҲР-ОҚИБАТ АЙЁМИ

Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида умумхалқ байрами — Наврўзга бағишланган мусиқий тадбир кўтаринки руҳда ўтди. Республика байналмилал маданият маркази томонидан ташкил этилган тадбирда кенг жамоатчилик, юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари, хорижий дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Республика байналмилал маданият маркази раҳбари Н.Муҳаммадиев Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳаларда ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошириш, жамиятни демократлаштириш ва модернизация қилишда бағрикенглик, миллатлараро тотувликни асраб-авайлаш тамойилларига қатъий амал қилинаётганини алоҳида таъкидлади.

Бағрикенглик, меҳр-оқибат айёми — Наврўзга юртимизда фаолият кўрсатаётган бир юз қирқдан ортиқ миллий маданият маркази ўз мусиқий байрам дастурларини томошабинлар эътиборига ҳавола этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**



## ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА НАВРЎЗ

Наврўз халқимизнинг қадимий зироатчилик билан боғлиқ байрамларидан бири ҳисобланади. Археологлар деҳқончиликнинг вужудга келишини милоддан аввалги V-III минг йилликларга бориб тақалишини исботлашган экан, демак Наврўз бундан беш минг йил аввал ҳам нишонланган.

Зардўштийлар эътиқодига кўра, кўклам гиёҳлари униб, дарахтлар куртак ота бошлагач, ўша атрофдаги қора кучлар маҳв бўлган. Бу ҳол эзгулик, бунёдкор кучларнинг бузғунчи, ёвуз кучлар устидан ғалабасини англатган ва эл-улус бу муродбахш кунларни шоду хуррамлик билан кутиб олишган. Кеча ва кундузнинг тенг келишини аниқлаб, шу кунни Наврўз деб атаганлар. Ўтмишда ушбу байрам ўн уч кун давомида нишонланган ва унинг ҳар бири муайян мазмунда бўлган.

«Авесто»да «Буғдой ўстирила бошланса, девларни қора тер босади, совурилган буғдой тайёр бўлса, девлар заифлашиб қолади, ун тайёр бўлгач эса девлар нола фиғон чекишади... Девларни мағлуб этиш учун хонадонда ҳамиша унли овқат бўлиши лозим. Бу овқатни егандан сўнг, улар жуда қизиқишиб кетади ва қоча бошлайди» дейилади.

Наврўз байрами 21 мартдан 22 мартга ўтар кечаси «қозон тўлди» удуми билан бошланган. Ушбу анъана аждодларимизнинг ҳосилдорлик билан боғлиқ қадимий эътиқодларига уйғундир. Тарихчиларнинг фикрича, қадимда катта дошқозонлар муқаддас ҳисобланган. Геродот ўзининг «Тарих» китобида шакларнинг улкан қозони бўлганлиги ҳақида маълумот беради. Бу мис қозон ҳоқон Ариантнинг фармонига биноан ясалган. У ўз жангчиларига биттадан камон ўқи келтиришни буюрган. Тўпланган ўқларни эритиб, ундан қозон ясаган. Шу тариқа шакларнинг афсонавий мис қозони вужудга келган. У мўътабар ҳисобланиб, муқаддас маросимлардагина фойдаланилган. Чунки, қозон, аввало, қабила аъзоларининг иттифоқлигини, иккинчидан эса Наврўз байрамига мўлжалланганлигини билдирган. Қозон пишириқ ва ширинликлар билан тўлдирилиб, мусофир ҳамда етим-есирларга тарқатилган.

Темурийлар даврида Наврўз шодиёналари азиз-авлиёлар мақбаралари ёнида, шунингдек, катта сайилгоҳларда ўтказилган. Масалан, байрам Самарқандда, Конигилда, Бухорода, Қасри Орифондаги Баҳовуддин Нақшбандий мақбараси ёнида нишонланган.

Амир Темур Наврўзни одатда ҳарбий юришлар пайти Қорабоғда, тинч пайтларда эса Конигилда ёки бирор-бир чорбоғда ўтказган.

Соҳибқирон ўз ғаними Амир Ҳусайн устидан ғалаба қилгач, 1370 йилнинг бошларида улуснинг барча бекларини чорлаб, туркларнинг қадимги удумига кўра амирлар ўз сипоҳийларидан биттадан пайкон йиғиб беришларини сўраган. Пайконлар эритилиб, улкан қозон қуйилган. Ундан ҳар йили Наврўз айёмида «қозон тўлди» маросимида фойдаланилган. Бу улкан қозон уюшқоқлик ва бирдамлик рамзи эди. Шу куни барча амирлар Соҳибқиронга садоқат билдиришиб, қасамёд қилганлар.

Тарихчи Ибн Арабшоҳ Амир Темурнинг 1404 йил баҳорида Конигилда набираларининг тўйи муносабати билан ўтказган тантаналари ҳақида шундай ҳикоя қилади: *Амир Темур Самарқанд аҳлига зебу зийнатга ўралашишни, улар устидан жабру ситамларни кўтариб, солиқ ва тўловлардан озод қилишни, уларга омонлик бисотини ёзишни, аҳолидан катта-ю кичик, юқорию қуйи табақа муомала қилишни, ўз ерларида қилич яланғочламасликларини ҳамда уларга ўз зебу зийнатлари билан Самарқанд этагида бир милда жойлашган Конигил деган жойга чиқишларини амр қилди. У жойнинг ҳавоси мушкдан ҳам соф, суви қанддан ҳам ширин бўлиб, гўё бу жаннат бўстонидан бир қитъа, жаннат мутасаддиси Ризвон ундан ғафлатда эди.*

*Бу тўй тантанасида Амир Темурга савлатлилик ва улуғворлик, ҳашамат ва дабдабаликдан шундай бир улуғ нарса муяссар бўлдики, бу қадарлик нарса қадим ўтган халифаликларидан ҳеч бирига насиб бўлмаган ва кейин келадиганлардан ҳам бирортасига насиб бўлмайди... Амир Темур ҳузурига Миср ва Шомдан..., Хитой, Ҳинд, Ироқ, Дашт, Синд, Фаранглардан элчилар ва улардан ташқари яқину узоқдаги барча иқлимлардан келган вакиллар, ҳар бир мухолифу мувофиқ, дўсту душман йиғилган эдилар. Келганларнинг унинг улуғворлигининг шоҳиди бўлиб, бу тўйда унинг қудрати ва ҳашаматини ўз кўзлари билан кўрдилар...*

Соҳибқирон қайси мамлакатда бўлишидан қатъи назар, Наврўз кунлари жанг қилмаган, оддий халқдан эса хайру эҳсонини аямаган.

Амир Темур ўз давлати ва салтанати мустаҳкамлиги рамзи бўлган улкан қозонни (бўйи ва эни 2,5 метрга яқин) Хитойга юриши олдидан Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси учун ясаттирган эди. Мазкур қозон 1934 йилда ҳозирги Санкт-Петербургдаги Эрмитажга олиб кетилиб, 1935 йилнинг 20 январида намойиш этилган. 1989 йилнинг ноябрида қозон яна Туркистонга — Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасига қайтарилди. Оғирлиги 2000 кг. бўлган бу қозонни Соҳибқирон амрига биноан Абдулазиз ибн Сарвариддин Табризий ясаган.

Хуллас, эъзозли ва муродбахш айём Наврўз ва у билан боғлиқ барча удумлар Амир Темур ва темурийлар даврида кенг халқ оммаси иштирокида тантанали тарзда нишонланган.

**Аҳмаджон ЧОРИЕВ,**
**Қарши давлат университети проректори, профессор.**

## ҲАР ГЎШАДА БАҲОР НАФАСИ

Наврўзи оламни бухороликлар ўзгача шод-хуррамлик билан кутиб олдилар. Кўклам тароватидан гул-гул яшнаган шаҳар ва қишлоқлар, маҳалла ва гузарларда байрам шукуҳи кезади. Карнай-сурнай садолари эса мучал тўйлари, навбаҳор мушоираси, турли спорт мусобақаларидан дарак беради. Вилоят марказидаги «Бухоро» спорт мажмуи, Фавворалар майдони, Ибн Сино номли маданият саройи ва «Варахша» меҳмонхонасига туташган катта ҳудудни эгаллаган сайилгоҳ байрам кунлари одамлар билан гавжум бўлди. Қўли гул ҳунармандлар тайёрлаган халқ амалий санъати асарлари кўргазмаси, кўклам неъматларидан пиширилган таомлар билан безатилган байрам дастурхони, айниқса, меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

— Биласизми, халқимиз бу йилги байрамни ўта кўтаринки руҳ билан нишонлаяпти, — дейди Республика «Нуроний» жамғармаси Бухоро шаҳар бўлими раиси Ориф Хўжаев. — Унинг тароватн ўзгачада, чунки юртимизда янги бунёдкорлик фасли бошланди. Президентимиз таъкидлаганларидек, бу йилги Наврўз ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, иқтисодиётимиз соҳа ва тармоқларида янгиланиш, ўсиш ва юксалиш Наврўзидир.

Ҳа, кўҳна Бухорода ҳам яшариш байрамига ўзига хос тўёналар ҳозирланди. Вобкент туманидан ўтувчи магистрал йўлда узунлиги 54 метрлик кўприк фойдаланишга топширилди. Диагностика маркази ишга туширилиш арафасида. Хотира майдони ҳам барпо этиляпти.

«Бухорча» дастаси, «Моҳи ситора» фольклор ансамбли, «Афанди шай» қизиқчилар жамоаси, С. Айний номли вилоят мусиқали драма ҳамда Қўғирчоқ театрлари жамоалари ўз чиқишлари билан меҳр-саховат айёмига ўзгача шукуҳ бағишладилар.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**Иқтисод ва ислоҳот**



# ЭНГ ШИМОЛИЙ ТУМАН

## ОДИМЛАРИ ЖАНУБДАГИЛАРГА ҚАРАГАНДА ДАДИЛ ВА СОБИТ

**Тахтакўпир қишлоқ хўжалиги экинлари, айниқса, пахтадан мўл ҳосил етиштириб келаётган энг шимолий туманлардан бири. Қолаверса, ғаллачилик, чорвачилик, мева-сабзавот, полизчилик, пиллачилик соҳаларида ҳам пешқадамлар сафида бормоқда.**

**Туман ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Татлимурат АТАМУРАТОВ шундай деди:**

— Қишлоқ хўжалиги бўйича туманимизда ўзига хос тажриба мактаби яратилган, десам янглишмайман.

Кўпчилик билади, Ўзбекистон Қаҳрамони Ағитай Адилов раҳбарлик қилаётган «Тахтакўпир» ширкат хўжалиги ҳар томонлама бақувват. Ўтган йили 200 миллиондан кўп соф фойда олинди. Аҳолининг турмуши ҳам шунга яраша.

Лекин тумандаги паст рентабелли 6 та ширкат ҳарчанд уринмасин тахтакўпирликларга етолмадилар... Кейин улар тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантирилди. Буни қарангки, фермерликка ўтгач, ҳаммаси бир йилдаёқ шартномавий режаларини ошириб бажаришиб, қадларини ростлаб олишди. Масалан, «Наврўз» фермер хўжалиги 20 гектар пахта майдонидан 28 тонна ўрнига 40 тоннадан кўпроқ пахта тайёрлашди. Хўжаликдаги фермерлар ўзлари олган даромадлари ҳисобидан 6 та «ВТ-150» русумли трактор сотиб олишди.

Ёки «Тайимбет» фермер хўжалигини олинг: қўшимча «Т-4А» русумли трактор харид қилди... Туманга қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлашнинг янги усули лизинг ҳисобидан 5 та «ТТЗ-80-11» русумли тракторлар келтирилди. Туман бўйича 4700 гектар майдонга буғдой экилиб, гектар бошига аввалги йилларга нисбатан 2-2,5 центнердан кўп ҳосил олинди. Етиштирилган 11 минг 205 тонна буғдойнинг 5580 тоннаси давлатга сотилди...

**— Бу йилги режалар қандай?**

— Бошланиши чаккимас. Кузда экилган 4300 гектар майдондаги буғдой далаларидан тўла кўчат олинди. Пайкаллар 168 тонна минерал ўғитлар билан тўйдириб озиқлантирилди. 35 минг 300 тонна маҳаллий ўғит чиқарилди. 1800 гектардан кўпроқ экинзорлар кузда шудгор қилинди. 17,7 километр хўжаликлараро каналлар, 23,8 километр хўжаликлараро коллекторлар, 75,9 километр ички хўжалик ариқ-зовурлари тозаланди...

Ҳокимнинг мамнуният билан қилган ҳикоясидан маълум бўлдики, туманда эришилаётган ютуқлар билан бирга ижтимоий соҳа ривожига ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. Аҳоли саломатлигини сақлаш, ёшлар касб тайёргарлигини ошириш, мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари моддий-техника базасини яхшилаш борасида ибратли ишлар бошланган. Марказий касалхона, 7 та қишлоқ врачлик пункти, 2 та қишлоқ шифокорлик амбулаторияси, 1 та марказий туман поликлиникаси аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда. Уларда 41 нафар малакали шифокор, 456 нафар ҳамшира самарали фаолият кўрсатмоқда.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, қишлоқ инфра тузилмасида транспорт хизматини яхшилаш, аҳолини ичимлик сув, газ билан таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам кутилган натижалар бермоқда. Ўтган йили 277 миллион 200 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. 650 миллион 300 минг сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди. Бу кўрсаткичларни туман аҳолиси сонига бўлсак, ҳар бир кишига 16 минг 765 сўмлик хизмат кўрсатилди, дегани. «Тахтакўпир», «Қара теренг» каби қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларида жойлашган «Қора муйин», «Тоза тол» овулларига 3,7-4,9 километр узунликда сув тармоқлари тортилди. Қурилиш бўйича 905 миллион 179 минг сўмлик маблағ ўзлаштирилди. 50 ўринга мўлжалланган коллеж ётоқхонаси барвақт фойдаланишга топширилди.

— Туманда «Бандлик дастури» ижроси йўлида ишсизларни, айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор бераяпмиз, — давом этди яна ҳоким. — Фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва иш билан таъминлаш бўлимига ариза билан мурожаат қилган 1023 фуқаронинг барчаси иш билан таъминланди. 355 нафар фуқарога бандлик фонди ҳисобидан 24 миллион 243 минг сўм нафақа пули берилди. 625 та янги иш ўринлари очилди. Биргина «Пахта банк» бўлими шохобчаларининг ички ресурслари ҳисобидан тадбиркор ва ишбилармонлар, яъни кичик бизнес субъектларига 83 миллион 940 минг сўмлик кредитлар берилди...

Ҳоким билан бўлган суҳбатимиз баёни шу ерга етганда ҳамроҳимиз — Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси ўринбосари Алписбой Ибодуллаев якун ясагандек қўшимча қилди: Тахтакўпир мамлакатимизда энг шимолий ҳудуд бўлсаям жанубдагиларига қараганда дадил ва собит одимли туманлардан...

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ,**
**Реимбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари**



**Суратларда:** *(юқоридан) туманда янги ўқув йилида фаолият бошлаган қурилиш коллежи биноси; капитал таъмирдан чиққан 5-умумтаълим ўрта мактабнинг олд кўриниши.*

Ислоҳот ва самара

# ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИ ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**«Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ўрта махсус таълим муассасаларида қўлланилаётган илғор педагогик технологияларни таҳлил этиш, уларни мунтазам такомиллаштириб бориш бугуннинг долзарб вазифаларидан. Яқинда Самарқанд вилоятида ўқув жараёнини янги усуллар асосида ташкил этган намунали касб-ҳунар коллежларининг иш фаолиятини оммалаштириш мақсадида бир неча коллежда тақдимотлар ташкил этилди.**



Аввало, бундай тадбирлар ўзига хос фикр алмашув ва тажрибаларни кенг ёйишда катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш керак. Самарқанд шаҳридаги Сартепо туризм ва маиший хизмат коллежида ўтказилган тақдимотда умумтаълим фанларидан 7 та, махсус фанлардан 6 та очиқ дарс ва кўргазмалар намойиш этилди. Иштирокчилар бу ерда таълим-тарбия борасидаги кўрсаткичлар йил сайин яхшиланиб бораётганига эътибор қаратдилар.

Хусусан, коллежда 2002-2003 ўқув йилида иқтидорли талабалар сони 68 нафарни ташкил этган бўлса, 2003-2004 ўқув йилида улар 80 нафарга, 2004-2005 ўқув йилида эса 104 нафарга етди. Бу ерда изланувчан, билимга чанқоқ ёшлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилган. Ўқувчилар махсус фанларни чуқур ўзлаштириш баробарида компьютер, чет тили фанлари билан мунтазам шуғулланишади. Мана шуларнинг самараси ўлароқ, жорий ўқув йилида коллеж ўқувчилари республика олимпиадасида муваффақиятли иштирок этишди.

Иштирокчилар ўқув даргоҳидаги илғор тажрибалар таълим-тарбия жараёнида янгича мазмун касб этаётгани, у таълим самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлаётганини алоҳида эътироф этдилар.

Кадан қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежидаги тақдимотда педагогик жамоа томонидан Япония кредити асосида келтирилган жиҳозларнинг ўрнатилиши ва улардан самарали фойдаланишни кўрсатиш мақсадида махсус фанлардан 7 та, умумтаълим фанларидан 4 та очиқ дарс ташкил этилди. Иштирокчилар айниқса, коллежнинг ўқув-тарбиявий ва маънавий-маърифий ишлари акс этган фотосуратлар, аудио-видео лавҳалар, кўргазмаларга юқори баҳо бердилар. Шунингдек, тақдимот жараёнида мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Одатда, шунга ўхшаш маросимлар белгиланган таълим муассасаларида ўтказилади. Бу, ўз навбатида ўша таълим даргоҳи учун ўзига хос имтиҳон демакдир. Чунки, амалга оширилаётган ишларни намойиш қилиш ва кўпчилик эътирофига сазовор бўлиш осон гап эмас. Мана шундай масъулиятни Каттақўрғон иқтисодиёт коллежи жамоаси ўз зиммаларига олишди. Бу ташаббус ўз вақтида қўллаб-қувватланиб, мазкур таълим муассасасида ҳам тақдимот ўтказилди. Унда коллеж директори ва ўринбосарлари томонидан Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида эришилаётган ижобий ютуқлар, янгича ёндашувлар ҳамда таълим жараёнига киритилаётган инновациялар тўғрисида зарур маълумот ва ахборотлар берилди.

Шундан сўнг, коллеждаги ўқув-услубий, касбий тайёргарлик, маънавий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш ишларини ўзида акс этган стендлар, аудио-видео лавҳалар, фотосуратлар орқали ўқув даргоҳидаги таълим жараёни атрофлича таҳлил қилинди. Айниқса, коллежда ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилган турли хил тўгараклар фаолияти иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ургут қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежидаги тақдимотдан кўзланган мақсад — хорижий грантлар асосида келтирилган замонавий жиҳозлар билан танишиш, уларни дарс жараёнида қўллаш билан боғлиқ тажрибаларни оммалаштиришдан иборат эди. Иштирокчилар мазкур даргоҳдаги танишувлардан ҳам бир олам таассурот олдилар. Энг муҳими, ўқувчилар кимё, физика фанларидан ташкил этилган очиқ дарсларда лаборатория жиҳозларидан мустақил фойдалана олишларини ва уларнинг талаб даражасида сақлай олишларини тақдимот қатнашчиларига намойиш этишди.

Бир сўз билан айтганда, таълим муассасаларида ўтказилган мазкур тақдимотлар ўзининг мазмун-моҳияти, қолаверса, таълим жараёнини янада такомиллаштиришдаги ўрни билан ўзига хос



аҳамиятга эга бўлди, десак янглишмаймиз. Ушбу тадбирларда иштирок этган ҳар бир таълим муассасаси раҳбари ва жамоаси эртага ўз даргоҳида нималарга эътибор қаратиш лозимлигини яна бир карра англаб етдилар.

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

***Суратларда:*** *тақдимот маросимларидан лавҳалар.*

**Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар.**

«Кураш — миллат ғурури» танловига

# АЙИҚНИ ЙИҚИТГАН ПОЛВОН

Полвонлик, бахшилик, чавандозлик ўзбек халқининг қон-қонига сингган азалий удумларидан, қадриятларидан ҳисобланади. Алпомиш юрти сурхон элида ҳам полвонлар кўп. Шундан бўлса керак, ҳар бир тўй-тантанани кураш, улоқ, миллий ўйинларсиз тасаввур қилиш қийин.

Полвонлар орият, камтарлик ва камсуқумлик, инсоф ҳамда диёнатни, ғурурни барча нарсадан устун қўядилар. Ҳар бир элат ўзининг танти, қўрқмас полвонлари билан фахрланиши ҳам шундан.

Узун туманининг «Серҳаракат» қишлоғида истиқомат қилувчи Сулаймон Содиқов ҳам ана шундай полвонлардан. Эҳ-ҳе, у киши не-не davраларни кўрмаган, дейсиз? Тожикистоннинг Кўлобидан тортиб, Туркманистоннинг овул ва қишлоқларида ҳам бел олишган. Давранинг кўрки, зўрларнинг зўри бўлган.

— Полвонни тўю давра чиниқтиради, — дейди Сулаймон бобо, — зуваласини пишитади. Бу йил 72 га чиқдим. Шундан 55 йил кураш тушибман-а? Болаликда отарни уч ака-ука Ҳисор, Боботоғ тизмаларида боқардик. Чапдастлик, чаққонлик ўшандаёқ қонимизга сингган. Оға-инилар совринга ўзимизнинг улоқ, қўйларни қўя солиб, курашиб кетардик. Даҳанаки жанг, бақир-чақир, қувгану қочган.. Болаликдаги ана шу курашлар полвон бўлишимга туртки бергандир.

Адашмасам, 1950 йилнинг саратони эди. Тожикистоннинг Регарида катта тўй бўлармиш, деб гап тарқалди. Беш-олтита бўз бола шу томонга йўл тортдик.

Давра зўр. Шундай паҳлавонлар борки, келбатидан фил ҳуркади.

Тўрттасини «урдим». Бешинчисига туркманистонлик Абдураҳмон қора рўбарў бўлди. Кўп зўракан... Ўнгидан, сўлидан борсам ҳам қайириб ташлайди. Икки қўлини ўйнатганча лапанглаб, давра айланади... Гўё мени қўрқитмоқчи бўлиб, наъра тортиб қўяди, денг. Яратган эгам унга бўй-бастдан берган. Нақд терак-да! У гавдасига, мен чилимга ишонаяпман. Бел олишганимиздаёқ желагимни пора-пора қилиб ташлади. Шеригимникини кийиб яна даврага қайтдим. Гавда бесўнақай бўлгандан кейин қийин бўларкан. Олтинчими, еттинчи қўлда тобини топиб чил урдим. Ўшанда Абдураҳмон қора чинор қулагандай гурсуллаб ағанади. Анча ўзига келолмади. Менга шу тўйдан уч тана, тўққизта қўй ажратилди.

**— 55 йил кураш тушибсиз. Мағлуб кезларингиз ҳам бўлгандир?**

— Ҳар бир нарсанинг вақти-соати бор, болам. Йигит киши 18 ёшда вояга етса, 40 да қирчиллама бўлади. Полвон зоти борки, пешонасига мағлубияту ғалаба ёзилган бўлади. Э бўтам, даврадан бош эгиб чиққан кезлар ҳам бўлган. Бундай пайтларда орингга чидай олмай кўкрагингни захга бериб ётаверасан. На илож? Ўзингни тутиб олгач, секин кўчага мўралайсан. Назарингда ҳамма мазах қилаётгандай туюлади...

...Бир тўйда тожикистонлик Эшмирзо полвонни учинчи қўлда қулатдим. Орадан уч ой ўтгач, у Узунга келди. Биринчи товоқни кўтарувдимки, кимдир отилиб чиқди. Қарасам, Эшмирзо... «Узр полвон, сизни танимабман», дея ўрнига бориб ўтирди. Полвон зоти ана шундай — мард, танти келади. Лекин оғир тошнинг қизигани ёмон, деганларидек уларнинг қизишганидан қўрқиш керак...

**— Полвон бобо, айтишларича сиз айиқ билан ҳам олишган экансиз. Шу гап ростми?**

— Ҳа, бу деяман, одамлар ҳалиям шуни эслашаркан-да. Аслида бундай бўлган. 1970-йилларнинг жазирама ёзи. Далада тракторчиман. Қурғур техника эрталабдан бузилди. «Норма»ни бажармасам, бригадирдан эшитадиганни эшитаман. Охири бўмади... Тушга яқин бир амаллаб тракторни уйга тортдирдим. Кайфиятим бузуқ. Ҳамсоямиз Боймурод ферма гап топиб келди: «Узунда беллашув бўлаётганмиш». Борсам, урҳо-ур кураш. Дала, бригадир, бузуқ трактор, ҳатто овқатни ҳам унутдим. «Қурбонали полвон билан олишадиган топиладими?», деб баковул жар солаяпти. Билакда куч, юракда ўт, белда қувват бор эмасми?.. Қарасам, тарафкаш зотидан дарак йўқ. Баковулдан полвонингиз қани, десам баҳайбат бир айиқни кўрсатди. «Қурбонали»си шу экан. Кўриниши залворли. Чамамда, пахмоқвой икки центнер тарози босади-ёв.

...Давра айланаяпмиз. Халойиқ жим, пашша учса билинади. Ишонасизми, жонивор икки олд оёғини кўтарган кўйи ларзон-ларзон одимлайди. Икки «круг» айландик. Кўзлар тўқнашди. Нафас тафти... Ҳаяжон бор. Одамда эт, ҳайвонда жун. Ўткир тирноқ, чаққон бўлмасанг, ҳолингга вой-да. «Қурбонали» ўкириб ҳамла қилади. Икки уриниш бесамар кетди. Баковул ажратади. Яна айланамиз. Бу гал уни маҳкамроқ тутдим. Чап қўлим билан чалғитаяпман. «Ҳай-ҳай, ҳай-ҳай»... Чапдан чил солдим. Шунда, қаердан куч пайдо бўлди, билмайман. Пайт пойлаб айиқни таппа босдим. Жонивор чалқанчасига йиқилди. Чор-атрофдан бақир-чақир, қарсак янгради. «Ҳалол-ҳалол»... Теримга сиғмасдан осмонга сапчийман. Шодлигимнинг чек-чегараси йўқ. Биласизми, айиқнинг кўзларида ёш... бунақасини кўрмаганман. Уни «ор» йиғлатди-ёв...

— Бу воқеага кўплар ишонмас, — дейди шўрчилик 80 ёшли Қобил полвон Раҳматов. — Ўша курашнинг шоҳиди бўлганман. Айиқни Фарғонадан олиб келишган экан. Дуппа-дуруст олишади, қурғур. Маймоқ уч полвонни йиқитди. Олишайин десам икки кун аввал қўлим лат еган. Яхшиям қаердандир Сулаймон пайдо бўлди. Агар униям кураги ерга тегса борми? Қизиғи, ҳар бир мағлуб пул тўлаши шарт. Чунки, айиқ ҳар куни 18 кило гўшт истеъмол қиларкан. Шу-шу Сулаймонни жасорати достон бўлиб кетди. У борган даврага одам ёпирилиб келадиган бўлди.

Яхшиликнинг чегараси, дийдорнинг баҳоси йўқ. Сулаймон бобо доимо шунга амал қилди. Давлат эмас, дўст орттирди, биродар йиғди. Ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшади. Бугун ҳам даврада, маҳалла-кўйда ўз ўрни, ҳурмати бор. Ўнлаб, юзлаб шогирдлар етиштирган устозни ҳануз орзу-умид тарк этмаган. Мустақиллик, истиқлол туфайли кенг қулоч ёйган ўзбек курашининг янада ривожини кўриш, ундан доимо фахрланиб юришни истайди.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

Халқаро адабий алоқалар

# «ТУРОН ГУЛДАСТАСИ» ТАҚДИМОТИ

*Яқинда Бокуда Ўзбекистоннинг Озарбойжондаги элчихонаси иштироки ҳамда ахборот кўмаги билан Озарбойжон халқ шоири марҳум Халил Ризо (Халил Ризо Улутурк) қаламига мансуб «Турон гулдастаси» номли китобнинг иккинчи нашри босмадан чиқди. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, туркий халқларнинг таниқли шоир ва ёзувчилари ҳақидаги 864 саҳифадан иборат ушбу тўпламнинг 546 саҳифаси 29 нафар ўзбекистонлик қалам аҳлининг ҳаёти ва ижодига бағишланган.*

Унда Алишер Навоий, Юсуф Хос Хожиб, Саккокий, Чўлпон, Усмон Носир, Ғафур Ғулом, Ойбек, Зулфия, Ҳамид Олимжон, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов ҳамда бошқа ўзбек қаламкашларининг ғазал, мухаммас ва шеърлари ўз аксини топган.

Таъкидлаш жоизки, Халил Ризо Улутурк ўз ҳаёти давомида Ўзбекистонда тез-тез бўлиб, кўплаб дўстлар орттиргани баробарида қатор ўзбек шоир ва ёзувчиларининг асарларини ўзининг она тилига ўгирган. Жумладан, Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» ва «Мирзо Улуғбек» драмалари, Ойбекнинг «Алишер Навоий» романи ана шундай асарлар сирасидандир.

Яқинда Бокуда «Озарбойжон — Ўзбекистон» дўстлик жамияти, Озарбойжон Маданият жамғармаси ҳамда Ўзбекистоннинг Озарбойжондаги элчихонаси ҳамкорлигида ушбу китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда Озарбойжон Миллий мажлиси вице-спикери З.Аскеров, парламент депутатлари, дипломатия корпуси, мамлакат вазирлик ва идоралари, ижодий жамоатчилик вакиллари, журналистлар ҳамда Ўзбекистондан келган озарбойжон миллатига мансуб юртдошларимиз иштирок этди.

Маросимда сўзга чиққан Озарбойжон Маданият жамғармаси раиси Камал Абдулла, Ўзбекистон элчиси И.Эргашев, Миллий Мажлис қўмитаси раиси, профессор Н.Жаъфаров, Ўзбекистон Фанлар академияси тил ва адабиёт институти катта илмий ходими А.Багиров, марҳум шоирнинг рафиқаси Фарангиз хоним ва бошқалар ўзбек мутафаккирлари, шоир ва ёзувчиларининг дунё тараққиёти ҳамда жаҳон адабиёти хазинасига катта улуш қўшганини қайта-қайта таъкидлашди.

Китоб тақдимоти том маънода Ўзбекистон — Озарбойжон дўстлик кечасига айланиб кетди. Самарқандда бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида биринчи ўринни олган, Озарбойжонда хизмат кўрсатган артист Айгун Бейлар ҳамда Х.Гадымова, Азерин сингари таниқли қўшиқчилар, швейцариялик раққоса Кати Хиллебрандт ижросидаги ўзбек ва озарбойжон миллий ашула-рақслари тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Ушбу тадбир маҳаллий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

**«Жаҳон» АА**

**Давлат Мулки Қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги**

***«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2006 йилнинг 25,28 апрель ва 2,5,12,16,19,23,30 май ҳамда 2,6,9,13,16,20,23,27,30 июнь кунлари аукцион савдоларини ўтказади***

***Савдоларга қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:***

*Юнусобод тумани, Жаҳон Обидова кўчаси, 151-уйда жойлашган «Suvsoz qurilish» шўъба корхонасининг 1988 йилда ишлаб чиқарилган ЭО-4321 «Экскаватор» русумли а/в.* ***Бошланғич нархи — 6 724 000 сўм.***

*Чилонзор тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 156-«А» уйда жойлашган «Chilonzor buyum bozori» ОАЖнинг 1998 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10АО 856 бўлган «ГАЗ-3110» русумли а/в.* ***Бошланғич нархи — 2 000 000 сўм.***

*Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар. Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.*

*Савдолар Миробод тумани, Моварооуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.*

***Мурожаат учун телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.***

**Гувоҳнома №000815**

# «МАШЪАЛ» — «АЛ-АЙН» — 1:1

Кеча футбол бўйича Осиё чемпионлар лигасининг иккинчи тур баҳслари бўлиб ўтди. Мусобақанинг «В» гуруҳида қатнашаётган Мубораkнинг «Машъал» жамоаси Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Айн» футболчилари билан куч синашди. Учрашув Қаршидаги «Насаф» стадионида ўтказилди.



Дастлабки турда ҳар иккала жамоа ҳам зафар қучган. «Машъал» сафарда Ироқнинг «Ал-Минаа» жамоасини (1:0) мағлубиятга учратган бўлса, «Ал-Айн» ўз майдонида Саудия Арабистони чемпиони «Ал-Ҳилол» футболчиларидан 2:0 ҳисобида устун келганди. Мазкур жамоалар учрашуви гуруҳ пешқадами номини аниқлаб бериши билан муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, «Машъал» футболчилари рақиби — «Ал-Айн»нинг нафақат БААнинг, балки қитъамизнинг номдор жамоаларидан бири эканлиги ҳам мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Осиё чемпионлар лигаси дебютанти — «Машъал»дан фарқли ўлароқ, «Ал-Айн» жамоаси бу нуфузли мусобақа ташкил этила бошлангандан бери баҳсларда мунтазам қатнашиб келаётир. БААнинг тўққиз карра чемпиони ҳамда уч маротаба мамлакат кубоги соҳиби бўлган «Ал-Айн» футболчилари 2002-2003 йилги Осиё чемпионлар лигаси баҳсларида ғолибликни қўлга киритган. Ҳозирда ўн икки жамоа қатнашаётган БАА ички чемпионатининг 16-тур баҳсларидан сўнг «ал-айн»чилар 28 очко жамғариб, турнир жадвалининг тўртинчи поғонасида боришмоқда.

Наврўз айёми тантаналарига уланиб кетган «Машъал» — «Ал-Айн» жамоалари учрашуви мухлислар учун катта футбол байрамига айланиб кетди. Шу куни «Насаф» стадиони вилоятнинг турли туман ва қишлоқларидан ташриф буюрган минглаб ишқибозлар билан тўлиб-тошди. Мухлислар кўтаринки руҳда майдонга тушган «Машъал» футболчиларидан чиройли ва ҳужумкор ўйин кутишганди. Бироқ жароҳати туфайли майдонга туша олмаган Зафар Холмуродовнинг йўқлиги боис «Машъал» футболчилари кўплаб қулай вазиятлардан унумли фойдалана олишмади. Ҳимоячиларнинг хатоси сабабли учрашувнинг 14-дақиқасидаёқ меҳмонлар ҳужумчиси Иброҳим Дакий ҳисобни очди. Ўйиннинг асосий вақтида бу ҳисоб ўзгармай қолди. Фақат ҳакам томонидан тўхтатилган вақтлар ўрнини қоплаш учун қўшиб берилган бир неча дақиқадан мезбонлар унумли фойдаланишди, Шуҳрат Мирхолдиршоев жавоб тўпини киритишга муваффақ бўлди — 1:1.

Осиё чемпионлар лигасининг «А» гуруҳида қатнашаётган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси эса Қувайтда «Ал-Қодисия» футболчилари меҳмони бўлди.

Эслатамиз: ҳамюртларимиз илк учрашувда Суриянинг «Ал-Иттиҳод» жамоасини 2:0 ҳисобида енгганди. Қувайтликлар эса сафарда Эроннинг «Фулад» жамоасига 0:6 ҳисобида ютқазиб қўйган эди.

**Эркин ХОЛБОБО**

Спорт

## САЛКАМ ЮЗ МИЛЛИОН...

Лондоннинг «Челси» клуби «Барселона» жамоасидан камерунлик тўпурар Самуэл Это'Они эллик беш миллион фунт стерлинг (96 миллион доллардан зиёд)га сотиб олмоқчи бўлди. Лекин Испания клуби ўзининг энг яхши ҳужумчисини сотмоқчи эмас. Бу воқеа чемпионлар лигаси учун курашнинг ним чорак финал учрашуви олдидан юз берди. Аслида «Челси» клуби раҳбари Роман Абрамович номидан ижрочи директор Питер Кеньон «Барселона» президенти Жоан Лапорт билан уюштирилган махсус учрашувда ана шундай фикрни баён этган эди. Сирасини айтганда, Испания клуби раҳбари аввалига бир ўйинчи учун бу қадар катта маблағ ажратилганидан ҳайратга тушган. Лекин у яна ўзига келиб, Это'Они ўзимизга керак деган фикрни айтган. «Барселона» президенти камерунлик футболчига бўлган воқеани айтган. Ҳар қалай бу ўйинчини «Челси»га ўтиш-ўтмаслиги даргумон. Чунки, «Барселона» ҳозир кучли тўпурар Тьерри Анрини жалб этиш учун музокара олиб бормоқда.



# «СЕВИНЧ» МУХЛИСЛАРНИ СЕВИНТИРМОҚДА

Спортимиз тараққиётида ҳомийларнинг ўрни беқиёс. Хусусан, Қашқадарёда бу яққол кўзга ташланади. Узоққа бормайлик. Бундан икки йил аввал вилоят ҳокимининг қарори билан «Севинч» аёллар футбол жамоаси ташкил этилганди. «Шўртангазкимё» мажмуаси ҳеч оғринмай ҳомийликни зиммасига олди. Зарур шароит, барча спорт ашёлари ҳозирланди.

Қашқадарёлик футболчи қизлар жамоаси 2003 йилда мамлакат чемпионатининг бронза медалини, 2004 йилда олтин медалини қўлга киритди. Яна бир муҳим воқеа. 2005 йилнинг 12-19 ноябрь кунлари Таиланд пойтахти Бангкокда Олимпия ўйинлари дастурига киритилмаган спорт турлари бўйича ўтказилган I-Осиё ўйинларида мамлакатимиз мини футболчи қизлари шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олишди. Эътиборлиси шундаки, терма жамоамизнинг 95 фоиз футболчилари «Севинч» жамоаси ўйинчилари эди.

Жамоанинг ютуқларидан мамнун бўлган ҳомий — «Шўртангазкимё» мажмуи раҳбарияти футбол жамоасига эътиборни янада кучайтирмоқда. Айниқса, Қарши шаҳридаги эски «Геолог» стадионининг таъмирланаётгани катта аҳамиятга эгадир. Қурувчилар туну кун меҳнат қилишмоқда. Ўйингоҳ ҳадемай энг замонавий спорт иншоотига айланади. Бу жойда нафақат футбол жамоаси машқ ўтказади, балки кўплаб ёшлар ҳам спорт билан шуғулланиш имкониятига эга бўладилар. Ўйингоҳ ҳам «Севинч» спорт мажмуаси, деб аталади.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист **Маҳкам РАҲМОНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия билдиради.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Xurshid RAUPOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 550
14419 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O'zA yakuni —
Topshirish vaqti — 01.00
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda